

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

Махсус сон. 2019



ва фильтрнинг тиқилишига, цилиндр-поршень гуруҳининг ҳарорат режимининг ўзгаришига, двигатель деталларининг абразив ейилишига, оксидланиш жараёнининг тезлашишига олиб келади. Камминз двигателида тўла оқимли фильтр ишлатилади. Бу ўз навбатида механик аралашмаларнинг мой таркибида ошиб кетмаслигига олиб келади. Лекин кўп ҳолларда фильтрни ўз вақтида алмаштирмаслик двигательнинг муддатидан олдин ишдан чиқишига сабаб бўлади.

Сув мой таркибида икки хил ҳолатда бўлиши мумкин — йирик ёки эркин (100 мкм дан юқори) ва заррача ёки эриган. Йирик сувлар фильтрда, тиндиргичда қисман ажратилади, лекин эриган ҳолатдаги сувлар двигателда доим циркуляцияда бўлиб, мойнинг оксидланиш жараёнини тезлаштиради. Натижада деталларнинг коррозия еилишини тезлаштиради.

Мотор мойида сувнинг бўлиши қуйидаги салбий таъсирлардан иборат:

- куннинг совуқ пайтларида муз ҳосил қилиб деталларнинг интенсив ейилишига ва мой насосининг ишдан чиқишига олиб келиши;

- оксидланиш жараёнига каталитик таъсир қилиши ва мойда паст ҳароратли чўкиндилар, яъни шламлар ҳосил қилиши;

- коррозияга олиб келиши;

- юқори ҳароратларда мойнинг кўпиришига олиб келиши ва натижада мойлаш кобилиятининг ёмонлашишига ва ишқаланишнинг кучайишига сабаб бўлиши;

- қўшимчаларнинг ювилиб кетишига ва чўкинди ҳосил қилишига олиб келиши.

Бу сабабларнинг энг жиддийси присадкаларнинг ювилиб кетиши ҳисобланади, чунки бунинг натижасида мой ўз хусусиятини йўқотади.

Олимларимиз томонидан олиб борилган текши-

ришларига қараганда мой таркибида сув бўлиши паст ҳароратларда ишлаганда цилиндрнинг пастки қисмининг ейилишини 4...5 мартага, компрессион ҳалқаларини эса 2...2,5 мартага ошишига олиб келиши аниқланган.

Маълумки, Ўзбекистоннинг иқлим шароити Америка ва Европа иқлимига нисбатан кескин ўзгарувчан континентал шароитига тўғри келади. Бу ўз навбатида двигателдаги мотор мойида сув ҳосил бўлиши билан чамбарчас боғлиқ.

Хулосалар қуйидагича бўлди:

1. "CLAAS" компанияси тракторларининг иш шароити мамлакатимизда ишлатилиб келинаётган тракторларга нисбатан оғир, Ўзбекистоннинг кескин ўзгарувчан иқлими ва юқори чангланганлик шароитлари сув ва механик аралашмалари миқдорининг кескин ошиб кетишига ва бу ўз навбатида унда қўлланиладиган мотор мойларининг қовушқоқлик, коррозияга қаршилиқ, оксидланишга қаршилиқ, ювиш ва бошқа хоссаларнинг ўз муддатидан олдин нормадан чиқиб кетишига, двигатель ейилишининг тезлашишига олиб келади.

2. Шу боисдан двигателни ишлаш жараёнида мотор мойларида сув ҳосил бўлишининг олдини олувчи қурилма ишлаб чиқиш ва унинг ўлчамларини асослаш назарий ва амалий тадқиқотларни талаб қилади.

Э.ГАНИБОВА,

мустақил изланувчи,

Н.ХОЛИҚОВА,

Ph доктори,

А.БОЗОРБОВ

ассистент, ТИҚХММИ,

Н.ТЕМИРҚУЛОВА,

ассистент,

ТошДАУ.

АДАБИЁТЛАР

1. "CLAAS Arion 630C" русумли тракторидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар тўплами. Тошкент, 2014.
2. С.М.Қодиров, С.Е.Никитин. Автомобиль ва трактор двигателлари Тошкент, "Ўқитувчи" 1992 й. 519 бет.
3. М.М.Тошпўлатов, Химмотоология. Тошкент, 2011 й. 237 бет.
4. М.М.Тошпўлатов. Қ.А.Шарипов. Neft mahsulotlari. Toshkent, 2013 y. 203 bet.
5. Данилов В.Ф., Данилов А.Н., Ахсанов М.М., Тимирбаев Р.М. Масла, смазки и специальные жидкости. Учебное пособие. Елабуга, 2013 г. 216 стр.
6. Қ.А.Шарипов. Ёнилғи-мойлаш материаллари. Тошкент, "Меҳнат", 2001 й. 120 бет
7. Э.М.Ғанибова. Ўзбекистон шароитида CLAAS компанияси тракторларининг мотор мойлари ресурсидан самарали фойдаланиш. ВЕСТНИК АСТА 4/2018 52-54 бетлар.

УЎТ: 621.26:634

ЎСИМЛИКЛАРГА ҚАТОР ОРАЛАБ ИШЛОВ БЕРУВЧИ ЭЛЕКТР МЕХАНИК ҚУРИЛМА

Маълумки, деҳқончиликда ерларни экишга тайёрлаш (*шудгорлаш, ерларни текислаш, эгат олиш*), экиш, ўсимликларга қатор оралаб ишлов бериш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териби олиш жуда катта энергия ҳажмдор агротадбирлар ҳисобланади.

Юқоридаги агротадбирлардан ўсимликларни баргидан озиклантириш (*суслензия*) ва зараркунандалардан ҳимоя қилишда ҳозирда гектарига 5 л ёнилғи сарфланиб, 1,5-2 т. оғирликдаги тракторлардан

фойдаланилмоқда. Бу ўз навбатида эксплуатация харажатлари ва тупроқнинг зичланиш даражасини орттириб, самарадорликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумки, тупроқ зичланишига энг юқори таъсир этувчи омиллардан бири — оғир техника воситалари бўлиб, агротехник тадбирларни ўтказишда кичик электромеханик воситаларини жорий этишнинг экологик нуқтаи назардан ижобий таъсири қуйидагиларда кўринади:


тупроқнинг зичланишига олиб келувчи оғир техника воситаларининг далага кам киришини таъминлаш; ҳайдалган тупроқнинг қайта зичланишининг асосий қисми гилдиракли оғир техника воситалари таъсирида келиб чиқишини эътиборга олиб уларни енгил ёки занжирли техника воситаларига алмаштириш.

Шунинг учун қишлоқ хўжалик техника воситаларини электр юритмага ўтказиб, уни экологик тоза, муқобил энергия манбалари асосида зарядлашга ўтказиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Аграр соҳада мобил техника воситалари юритмалари энергетик таъминоти, яъни ёнилғи турлари бўйича 2018 йил ҳолатига тақсимланиши ва 2030 йилгача истиқболдаги бу борадаги кутилаётган ўзгаришлар 1-ва 2-диаграммаларда келтирилган.

1-диаграмма

Аграр соҳада мобил техника воситалари юритмалари энергетик таъминотининг турлари бўйича тақсимланиши (2018 й)



Юқоридаги масалалар таҳлили асосида, жойларда бу борадаги ҳолат ўрганилиб, 2015-2016 йиллар давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов беришда қўлланиладиган қатор оралаб ҳаракатланувчи электр механик қурилманинг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, тажриба намунаси тайёрланди. Ушбу мобил электромеханик қурилма кўёш ва шамол энергиялари асосида ишловчи мобил заряд станция билан биргаликда қўлланилиб, ўсимликларга қатор оралаб ишлов бериш (суспензия сепиш, зараркунандаларга қарши кимёвий эритмаларни сепиш, гўзаларни чилпиш, дефолиация,) тadbирларини амалга оширишга мўлжалланган.

Мобил қурилма уч гилдиракли металл таянч рама, рамага ўрнатилган полимер материалдан ясалган қувурли суюқлик селгичлар, гибрид электромеханик юритма тизимидан, 1800x700x1500 мм ўлчамлардан иборат бўлиб, ўта кичик ҳажмли сепиш мосламалари билан жиҳозланган, 90 см қатор ораликда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бевосита эгатнинг ичида ҳаракатланиб суюқликларни туманлатиб, аниқ нуқтасига сепишни таъминлайди.

Мобил электр воситалар юритмалари учун қуйидаги икки турдаги электр моторлар танланиши мақсадга мувофиқ:

- Бевосита юритма учун;


2. Редукторли юритма учун.

Редукторли юритмалар одатда 95-98% ҳолатда қўлланилади. Бунга сабаб бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Аккумулятор батареяларининг бир зарядланишида узоқ масофани босиб ўтиши; Габарит ўлчамларининг кичиклиги ва енгил; Айлантирувчи моментнинг юқорилиги; Босиб ўтилган масофага нисбатан аккумулятор энергия сизимининг 30% га камлиги; Ишлаб турган моторда нисбатан енгил ҳаракатланиши.

Мобил электромеханик қурилма электр юритмаси учун коллекторли ўзгармас ток двигатели танланди. 2-расм.


2-диаграмма

Аграр соҳада мобил техника воситалари юритмалари энергетик таъминотининг турлари бўйича истиқболда тақсимланиши (2030 й)



2-расм. Дала ишлари учун мобил электромеханик қурилманинг электр юритмаси компонентлари.

Дала ишлари учун мобил электромеханик қурилманинг ҳаракатлантириш қисми ва умумий кўриниши 3-расмда келтирилган.



3-расм. Дала ишлари учун мобил электромеханик қурилманинг ҳаракатлантириш қисми ва умумий кўриниши.

Хулоса қилиб айтганда, дала ишлари учун мобил электромеханик қурилма (суспензия сепиш варианты) қўлланилганда қуйидаги афзалликларга эришилади:

Бир марталик ишлов учун гектарига сарф этилаётган 5 л ёнилғи тежалади;

Техника воситаларининг соддалашиши (конструкцияси мураккаб бўлган механик мотор, тезликлар қўтиси ва ҳ.к.ларнинг йўқлиги) ҳисобига эксплуатация харажатлари камаяди;

Тупроқнинг зичланиш даражаси камайди;
Ишлов бериш учун сарфланаётган сув миқдори 3 мартагача камайди.



Юқоридаги афзалликларни эътиборга олсак, бу соҳага кичик электромеханик воситаларни жорий этиш масаласи нақадар долзарб эканлиги кўринади.

Н.НУРАЛИЕВА, докторант
А.БОҚИЕВ, докторант
ТИҚХММИ

АДАБИЁТЛАР

1. А.А.Бокиев, Н.А.Нуралиева. Перспективы перевода электрический привод мобильных технических средств в сельскохозяйстве РУз. "Энергия ва ресурс тежаш муаммолари", // . –Тошкент, 2018. № 3-4., 334-339 стр.

2. Порядок разработки и утверждения системы машин для комплексной механизации сельскохозяйственного производства // МСВХ РУз, Ташкент, 2012.

3. Интернет манбалари:

4. <https://www.autocentre.ua/kommercheskie/novinka-kommercheskie/v-ukraine-vypustyat-elektrotraktor-ne-imeyuschiy-analogov-45612.html>

УЎТ: 663.047.356

ТЕХНИК ЧИГИТ НАМЛИГИНИ КАМАЙТИРИШДА КОНДУКТИВ ВА КОНВЕКТИВ УСУЛЛАРДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ

One of the main problems of the primary processing of raw cotton is to reduce the moisture content of industrial seeds. It is experimentally substantiated that it is advisable to use conductive convective drying methods for this purpose.

Республикаимиз иқтисодиётининг ривожланишида халқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида инновацион технологияларни яратиш ва татбиқ қилишга катта имкониятлар яратилган. Айниқса, пахта хомашёсини қайта ишлашда ҳозирга қадар қимматбаҳо энергия сарфи катта бўлган қурилма ва технологияларнинг ишлатилиши олинаётган маҳсулотларнинг сифатига ва таннархининг ортишига олиб келмоқда.

Ушбу мақолада пахта толаси ажратиб олинган техник чигитларда намликни Давлат стандарти талабларига келтириш масаласига оид олиб борилган дастлабки тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Пахта техник чигитига кондуктив усул билан таъсир кўрсатиш лаборатория макетида лаборатория синовларидан муваффақиятли ўтди. Пўлатдан ясалган 0,468м²ли юзани қиздириб, чигитга таъсир кўрсатилди. Бунда пайвандлаш режимида ишловчи 0,37 кВт. ли трансформатордан фойдаланилди. Трансформаторнинг бирламчи чулғамига 70 В дан 150 В гача кучланиш берилганда, трансформатор сапт ишлаш режимида иккиламчи чулғамида эса 0,266 В дан 0,57 В гача кучланиш ҳосил бўлади. Иккиламчи чулғам 20 мм.ли мис симдан фойдаланилди. Лаборатория макети ишга тушгандан сўнг ишчи юза трансформаторни иккиламчи чулғамини қисқа туташтирувчи ўтказгич вазифасини бажаради.

Тадқиқот услубиёти: маълумки, намликни камайтиришда энг яхши натижа кондуктив ва конвектив усуллар асосан сувда ютилиб, асосий модада минимал ютилиш содир бўлганда

олинади. Бундай ҳолда пахта чигити қизиб кетмайди ва узининг барча хусусиятларини (температура таъсирида пахта чигитидаги хусусиятларининг ўзгариши кузатилмайди) сақлаб қолади, энергия сарфи кам бўлади.

Кондуктив-конвектив усуллар билан пахта техник чигити намлигини электр контакли қиздиргич ёрдамида 1-8% фоизга камайтириш учун мўлжалланган электроконтакли қизитиш билан пахта заводдаги технологиясини бузмасдан ҳар хил шароитларда ишлатиш учун мўлжалланган қурилма қўлланилмоқда. Унинг параметрлари қуйидагича: 220 вольт кучланиш, 50 Гц частота ва қуввати 0,37 кВт.

Натижалар: жадвалда махсус электроконтакли қизитиш орқали пахта техник чигитини намлигини камайтириш жараёнида кузатилган кўрсаткичлар келтирилган.

Пахта техник чигитининг намлигини камайтириш қурилмасидаги ҳаво оқимини бошқариш жараёнини тўғри қўллашмаҳсулотнамлиги камайишини тезлатади. Электроконтакли қизитгич асосидаги қизитиш таъсири остида намликни камайтириш қурилмасида буғланиш жараёнининг тезлиги катта бўлгани учун махсу-

лотдан ажралиб чиққан буғларни олиб кетилиш тезлигини ошириш қурилманинг самарадорлигини ва маҳсулот сифатини таъминлашда асосий факторлардан бири ҳисобланади.

Бу ҳолатда бир вақтда солинадиган маҳсулот миқдори 1.6 мартагача орттириш имкони бўлади ҳамда маҳсулот турига қараб энергетик сарфнинг 15-25 фоизгача пасайиши таъминланади. Бундай конструкция намлигини камайтириш учун конвектив жараёни тўлиқ қўллаш имконини беради.



ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Аброр ВАХАБОВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир РЎЗИБОВЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Алишер МАҚСУДОВ
Мурат САЛИХОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ
Мурод АШУРОВ

2019 йил,
Махсус сон

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ш.БОТИРОВ. “Хоразм-150” гўза навини мақбул парвартишлаш агротадбирлари	1
Ф.АБДУЛЛАЕВ, Ш.АБДУАЛИМОВ. Гўзанинг физиологик жараёнлари ва ҳосилдорлигига гузмилли стимуляторнинг таъсири.....	1
С.РАХМОНКУЛОВ, Х.ЖАЛОЛОВ, Х.ЧОРНЕВА, А.ДАНАБАЕВ. Ингичка толали гўза навларини яратишда бошланғич ашёларнинг аҳамияти.....	3
Д.АХМЕДОВ, Х.ЧОРНЕВА, Н.ОЧИЛДИЕВ, Д.АХМЕДОВ. Сурхон воҳасининг экстремал шароитларида яратилган ингичка толали гўза тизмаларида қimmatли хўжалик белгиларининг шаклланиши	4
О.ПИРИМОВ, Ғ.АРАЛОВ, С.ЭШҚОБИЛОВ. Уруғлик чигитларни касалликларга қарши зарарсизлаштиришнинг замонавий усули.....	5
З.ЖУМАБОВЕВ. Гўза ҳосилдорлиги ва толанинг технологик хусусиятларига тақрорий экшларнинг таъсири	6
Б.ХОЛИҚОВ, И.УСМОНОВ, Н.РАВШАНОВА. Мойли экирининг ўсиши ҳамда ривожланишига экш меъёрлари ва муддатларининг таъсири	7
С.ТОҒАЕВА. Тошкент вилояти шароитида тақрорий экш сифатида экш муддатларининг мойли кунгабоқар ҳосилдорлигига таъсири	9
С.ИСАЕВ, А.ЖЎРАЕВ, З.ҚОДИРОВ. Сояни ресурстежамкор сугориш технологиялари асосида етиштириш истиқболлари.....	10
З.ЮЛДАШЕВА, Ж.ЁҚУБОВ. Кузги рақсининг қишлаб чиқишига ва ҳосилдорлигига экш меъёри ҳамда усулларининг таъсири.....	11
С.ИСАЕВ, М. ТУХТАМИШЕВ. Соянинг “Нафис” ва “Ўзбек-6” навларини сугориш тартибининг дон ҳосилдорлигига таъсири	12
Х.РАХИМОВА. Хоразмда ўртагишар соя навлари агротехникаси.....	13
В.МУХИТДИНОВ, Н.ТУРДИЕВА. Гербицидлар ва микроэлементларнинг соя фотосинтез фаолиятига таъсири	14
А.РАСУЛОВ, С.ШАРИПОВ. Ўрикнинг ўзига хос жихатлари ва уни қуритиш технологиялари	15
С.ДУСМУРАТОВА, Ш.АРИПОВА. Урожайность сортообразцов кабачка (сусурбита репо subsp. Репо) в условиях Узбекистана	16
Г.ЕРЕЖЕПОВА. Сабзининг (Daucus carota) озиклик ва дориворлик аҳамияти.....	17
С.ПЎЛАТОВ. Мексика бангидевоноси (datura innoxia mill)ни маданиялаштиришнинг агротехник асослари.....	18
Т.НАВРУЗОВ. Тажрибадаги голштиллаштирилган турли генотипли букачаларнинг ўсиш кўрсаткичлари	20
К.ҒАНИЕВ, А.МИРЗАЛИЕВ. Атроф-муҳит техноген инфлосланишининг яшил олма (Arhıs romi De Geer, 1773.) шираси морфологик структураси ва рангига таъсири.....	21
А.МАМАТАЛИЕВ. Сугоришнинг мойли экшлар ўсув фазалари Давомийлиги ва ҳосилдорлигига таъсири.....	22
Д.ҚОДИРОВ, Қ.УЛАШОВ. Оҳангарон сув омборидаги пьезометрларнинг самарали ишлатиш бўйича чора-тадбирлар.....	23
Ж.ИСМАЙИЛОВ, Б.ТИЛЛАБЕКОВ, Б.ТИЛЛАБЕКОВ. Ирригация эрозиясига учраган типик бўз тупроқлар шароитида қўлланилган маҳаллий калийли ўғитни гўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.....	24
Ш.РАХМАНОВ. Методы решения задачи оптимального управления культивированных микроводорослей	25
А. МАМБЕТНАЗАРОВ, Б. ХАЛМУРАТОВА. Проблемы стабилизации развития земледелия в низовьях Амударья в условиях маловодья.....	27
А.МУҚУМОВ. Республикада ердан фойдаланиш ва уни муҳофиза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш масалалари	28
Ф. ШААЗИЗОВ, А.БАДАЛОВ. К вопросу разработки системы мониторинга за техническим состоянием крупных водохранилищных гидроузлов.....	29
Т.МАЖИДОВ, Ж.РАШИДОВ. Мелiorатив насосларни тавлашда маҳаллий шароитни ҳисобга олиш.....	30
Ф.ЖЎРАЕВ, З.АМАНОВА. Кузги бугдойни сугоришда инновацион технологиялардан фойдаланиш.....	31
С.АСАТОВ, О.НУРИДДИНОВ. Сув танқислиги шароитида бухоро вилояти шўр тупроқлари мелiorацияси	32
Ф.ЖЎРАЕВ, Я.РАЖАБОВ, З.ИСОҚОВ, С.ТЎРАЕВ. Шўрланган тупроқлар ҳайдалма қатлами остида туйнукли дренаж ҳосил қилишнинг аҳамияти	34
Р.ШАРОПОВ, Қ.КАРИМБОВЕВ. Аэрозольлик материаллар асосида географик ахборот тизмалари (gis) дан фойдаланиб сугориладиган ерларни тадқиқ қилиш	35
Ф.ҲАМИДОВ, С.ҲАМРОЕВ, Д.ЭҒАМОВА. Ер кадастрини юритишда ер-ахборот тизимидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.....	36

Н.АБДУАЛИЕВ, А.ЖЎРАЕВ, А.МУРТАЗОЕВ. Гўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қилишда туپроқнинг физик-механик хоссалари.....	37
Р.МУРОДОВ, М.БАРНАЕВА. Экспериментальное изучение влажности почвы.....	39
Ш.САТТОРОВ, А.АБДУЛОЕВ. Дала-ўқув амалиётларида замонавий геодезик технологияларни қўллаш.....	40
ШАХМЕДОВ, О.ХОЛОВ, А.НИГМАТОВ. Қуввати 1 квт. дан 10 квт. гача бўлган двигателларнинг ғмасофадан кучланишини ростлаш бўйича автоматик қурилма.....	42
Б.ХАКИМОВ, Л.БАБАЖАНОВ. Аралашмали ёнглиларни киздириб узатиш қурилмасининг таҳлили.....	42
Э.ГАНИБОВА, Н.ХОЛИҚОВА, А.БОЗОРБОВ, Н.ТЕМИРҚУЛОВА. Мотор мойларининг таркибига сув ва механик аралашмаларининг дивегател ишига таъсири.....	43
Н.НУРАЛИЕВА, А.БОҚИЕВ. Ўсимликларга қатор оралаб ишлов берувчи электр механик қурилма.....	44
М.ИБРАГИМОВ, У.ХАЛИҚНАЗАРОВ, О.МАТЧОНОВ. Техник чигит намлигини камайтиришда кондуктив ва конвектив усуллардан мақсадли фойдаланиш.....	46
А.САДИРОВ, Б.ТЎЛАГАНОВ, Р.ХУДОЙҚУЛОВ. Чўл яйлов озуқабоп ўсимликларининг уруғ аралашмасини йиғувчи машина.....	47
Р.ЮСУФОВ, М.ИБРАГИМОВ, У.ХАЛИҚНАЗАРОВ. Линейный электропривод кормораздатчика животноводческих ферм крупного рогатого скота.....	49
Н.МАРКАЕВ, Ў.ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ш.ЮСУПОВ, Х.ХАКИМОВ. Электромагнит майдон энергиясидан электротехнологик мақсадларда фойдаланиш имкониятлари.....	50
У.ХАСАНОВ, А.ЖЎРАЕВ. Текислаш агрегатлари самарадорлигини ошириш.....	51
Р.РУЗИЕВ, И.ЭШМАТОВ, Б.ДАВРОНОВ, Ш.ХОЛИҚОВ. Сутдор эчкиларининг сутчилик мажмуасида озиклантириш технологияси.....	52
Л.ОРТИҚОВА. Қизилқум чўл ва адирлари яйловларининг ҳосилдорлигини яхшилаш усуллари ва чоралари.....	53
И.ХАСАНОВ, Ж.ҚЎЧҚОРОВ, У.ХАСАНОВ, М.МУРАДОВ. Экин майдонларини текислашда текислаш агрегатларининг унумли ишлашга таъсирини ўрганиш.....	55
Ж.ҚЎЧҚОРОВ, И.ХАСАНОВ, А.ЖЎРАЕВ, Б.ТЎРАЕВ. Узун базали текислагичга ўрнатилган юмшатувчи қурилмаларининг қаршилигини аниқлаш.....	56
Х.НУРИДДИНОВ, Ж.РЎЗИҚУЛОВ, Д.АШИРОВ, Г.ТИЛЛОЕВА. Гўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмаси шнегининг тўлиқ коэффициентини аниқлаш.....	58
З.ЭРГАШОВ, Ж.РЎЗИҚУЛОВ, Б.ТЎРАЕВ, Н.ФАРМОНОВ. Гўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмасининг энергия тежамкорлигига лемех параметрларининг таъсири.....	59
Ҳ.ОЛИМОВ, З.ЭРГАШОВ, Қ.РЎЗИҚУЛОВ, Ж.РЎЗИҚУЛОВ. Гўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмаси бункери йўналтиригичининг параметрларини асослаш.....	61
А.ЖЎРАЕВ, И.ХАСАНОВ, С.ОРЗИЕВ, Ж.РЎЗИҚУЛОВ. Муваққат ариққазгич иш самарадорлигини ошириш.....	62
У.ХОЛИЁРОВ, С.НОСИРОВА. Ўрмон хўжалигида иқтисодий тадқиқотларни ривожлантириш муаммолари.....	64
А.БАБАДЖАНОВ, Ф.ШАФКАРОВ. Аграр соҳада илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш тизимини таъминлаштиришнинг илмий асослари.....	65
М.МАҚСУДОВА. Парандачилик саноатининг ривожланиши.....	66
А.ИНОБАТОВ, Ф.ПОЛВОНОВ. Жаҳон чорвачилигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари.....	68
А.РАДЖАБОВ, М.ИБРАГИМОВ, Н.ЭШПУЛАТОВ. Мева шарбати ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш омиллари.....	69
Х.КАРИМОВА. Математик моделлар орқали ердан фойдаланишнинг оптимал вариантини аниқлаш.....	70
А.МЕРГАНОВ. Мева-сабзавот маҳсулотларини ташини шаронтларини танлаш масаласи хусусида.....	71
Ш.ЗИЯЕВА. Применение новых информационных технологий при совершенствовании управления сельского хозяйства.....	73
Б.РАХМАНҚУЛОВА, Д.ТОЛИПОВА. Основные направления развития информационно-консультационной службы в аграрном секторе.....	74
З.АБДУЛЛАЕВ, С.МИРЗАЕВ. Согласование результатов расчета и вывод рыночной стоимости сельхозучастка.....	75
Л.ИСАЕВА. Дуккакли дон экинлар – кўшимча даромад манбаи.....	76
Г. АЗИМОВА. Суспензияларни қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири ва иқтисодий самарадорлиги.....	77
Г.ШОДМОНОВА. Қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисослашувини моделлаштиришга услубий ёндашув.....	78

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш., Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71-242-13-54,

+998 71-242-13-24.

www.qxjurnal.uz

E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,

qxjurnal@agro.uz

telegram kanal: qxjurnal.uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2019 йил 11 ноябрь. Босишга рухсат этилди: 2019 йил 11 ноябрь. Қогоз бачими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қозоғига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №43. Нуҳаси 200 дона.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишуви.

Наабатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ

Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА